

Фируз Туйғунович Рашидов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси, rashidov77@mail.ru

998976140

ИЖТИМОЙ МУАММОЛИ АЁЛЛАРНИ ЖАМИЯТГА МОСЛАШТИРИШДА ҚОЗОҚИСТОН ТАЖРИБАСИ: ЖУСАН ВА УНИНГ ОЛАМШУМУЛ НАТИЖАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада қардош қўшни Қозоқистон Республикасида “Жусан” номи остида уруш ўчокларидан эвакуация қилинган фуқаролар, уларни реабилитация қилишга оид масалалар ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар: Реабилитация, жусан, операция, уруш ўчоги, аёллар, радикал, инсон ҳуқуқлари.

Аннотация: В данной статье представлена информация по вопросам реабилитации граждан, эвакуированных из очагов войны в соседней Республике Казахстан под названием «Жусан».

Ключевые слова: Реабилитация, дзюсан, операция, очаг войны, женщины, радикал, права человека.

Abstract: This article provides information on the evacuation of citizens from the hotbeds of war in the neighboring Republic of Kazakhstan under the name "Jusan", as well as issues related to their rehabilitation.

Keywords: rehabilitation, jusan, operation, hotbed of war, women, radical, human rights.

Маълумки, ахборот асри деб аталаётган ҳозирги замонда ўзликни англаш, “оммавий маданият”нинг таъсирига берилмаслик ҳар доимгидан-да муҳим ҳисобланади. Бунинг учун эса жамиятнинг энг кичик бўғини бўлган оиласаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳар бир вояга етаётган фарзанднинг нормал оила мухитида вояга етмоғини таъминлаб бермоқ лозим. Жаҳонда оиласалар мустаҳкамлигини таъминлаш, аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий қўмакка муҳтож хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини шакллантириш йўналишида кўплаб маънавий-маърифий, илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, давлат ташкилотлари билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва ролини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Куйида постсовет давридаги атеистик давлатдан демократик дунёвий ҳуқуқий давлатга айланиб, инсонни, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида эътироф этаётган қардош мамлакат – Қозоғистон Республикасида ёшлар ва аёл-қизларни “оммавий маданият”, экстремизм, терроризм ва бошқа ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар билан ўртоқлашамиз.

Ўзбекистондаги каби Қозоғистонда ҳам аҳолининг аксарият қисмини мусулмонлар ташкил этади. Қозоғистон Республикасининг Конституциясида дунёвий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини куриш бош мақсад қилиб белгиланган.

Бироқ Қозоқистон Республикасида ҳам “оммавий маданият” таъсирига берилган, радикал қарашларга эга бўлган, дин ва унинг моҳиятини нотўғри талқин қилиш натижасида экстемистик гурӯҳларга қўшилган фуқаролар ҳам мавжуд бўлиб, давлат ва турли жамоат ташкилотлари мана шундай адашганларни тўғри йўлга бошлиш борасида салмоқли ишларни амалга оширмокда.

Жумладан, радикаллашув натижасида ёки алдов орқали Яқин Шарқ мамлакатларидағи уруш ўчоклари жангарилари таъсирига тушиб қолиб, у ерларга чиқиб кетган эркаклар, аёллар ва болаларни ватанга қайтариш, уларни реабилитация қилиш, тўғри йўлга бошқариш, ижтимоий аҳволини ўрганган ҳолда манзилли психологик, руҳий, хукуқий, иқтисодий, ижтимоий қўмак бериш масалаларида муайян ишлар амалга оширилган.

Дастлаб 2018 йилнинг баҳорида уруш ўчоклари бўлмиш Яқин Шарқ мамлакатларида яшаб ўз хатосини ва алданганини тушунган аёллар Қозоғистондаги қариндошларига, шунингдек, хукуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам сўраб мурожаат қилишни бошлаган. Улар ҳатто мамлакатга қайтиб, қилмишлари учун жазо муддатини ўташга ҳам тайёр эканликларини билдиришади. Аммо мамлакатда амалга оширилаётган инсон хукуқларига оид ислоҳотлар ушбу масалада ўзига хос ёндашувни талаб қилди.

Натижада уруш ўчокларида бўлган қозоғистонлик фуқароларни, биринчи навбатда, аёллар ва болаларни эвакуация қилиш ғояси илгари сурилди. Ушбу мураккаб жараён шартли равишда “Жусан” номи билан бошланиб, бу ном аслида қозоқ афсоналарида тасвиранадиган ватан ҳидини таратувчи чўл ўсимлигига қиёсан олинган эди.

Жараён осон кечмади. Турли хорижий дипломатик каналлар, Сурия давлати хукумати ва бошқа гуманитар ташкилотлар, Америка Кўшма Штатлари ҳарбийлари билан қилинган ҳамкорлик натижасида 2018 йилнинг кузидаги биринчи эвакуация операциялари бошланди. Узоқ ва машаққатли меҳнатдан кейин 2019 йилнинг январь ойида “Жусан”нинг биринчи муваффақиятига эришилди. 2019-2021 йиллар давомида Суриядан Қозоғистонга “Жусан” номи остидаги жами 5 та эвакуация операцияси амалга оширилиб, унда ҳаммаси бўлиб 607 нафар фуқаро, шундан, 37 нафар эркаклар, 157 нафар аёллар, 413 нафар болалар ватанга қайтаришади. Уларнинг 34 нафари етим болалар эди.

Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан ташкил этилган “Мехр” операциялари сингари “Жусан” орқали олиб келинган фуқароларга Касбий денгизи бўйидаги оромгоҳлардан бирида 30 кунлик реабилитация ишлари олиб борилиб, жараёнга юқори малакали тиббиёт ходимлари, психолог, диншунос мутахассислар жалб қилинди.

Реабилитация натижалари бўйича қўплаб аёллар ва болалар нормал ҳаёт тарзига қайтдилар. Эвакуация қилинган 37 нафар эркак террористик ҳарактларни қўллаб-қувватлагани ва иштироки учун турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, 18 нафар аёл ҳам улар билан олиб борилган психологик ишлар натижада бермаганлиги ва оператив материалларда келтирилган хулосаларга кўра изоляция қилиниб озодликдан маҳрум этилганлар.

Қозоғистон Республикасида амалга оширилган ушбу операциялар натижасида қўплаб аёллар ва болалар нормал ҳаёт тарзига қайтдилар. Уларга давлат томонидан меҳнат қилиш ва таълим олиш учун имкониятлар яратилди.

Мамлакатнинг бу борада амалга оширган сиёсати инсон хукуқлари усуворлигини таъминлаш, кечиримлилик ва демократизм каби халқаро хукуқнинг устувор принциплари ғоялари билан ҳамоҳанг бўлиб, қўплаб мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг эътирофларига сазовор бўлди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қозоқистон Республикалари ўртасидаги дўстона қўшничилик ва стратегик ҳамкорлик тили, дини, урф-одати, адабиёти, маданиятлари муштараклигига таянган ҳолда изчил равнақ топмоқда. Бу қардош мамлакатларни кўплаб ўзаро манфаатлар боғлаб туради. Халқаро сиёсий масалаларда ҳам улар бир-бирларини қўллаб келишмоқда. Мамлакатларимизни яқин қўшничилик, иттифоқчиликдан ташқари БМТ, ШХТ, МДҲ, ИҲТ, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби қатор нуфузли ташкилотларга аъзолик ҳам бирлаштириб туради.

Юқорида таъкидлаганимиз Жусан ва Мехр операциялари ҳам инсонийлик, меҳр-оқибат туйғуларини янада ривожлантириш, ҳамжиҳатлик ва бирдамликни кучайтиришга хизмат қиласди.